Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 137 (4832).
18 ИЮНЬ 1982 й.
ЖУМА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Тонгги газеталарда

«Партиянинг жанговар қуроли» —«Правда» газетасининг бугунги бош мақоласи ана шундай номланади.

КПСС Марказий Комитетининг таклифига биноан Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, БХР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Т. Божинов бошчилигидаги Болгария Коммунистик партиясининг делегацияси Г. Димитров туғилган куннинг 100 йиллиги муносабати билан СССРда ўтказиладиган тадбирларда иштирок этиш учун 17 июнь куни Москвага келди.

Болгар халқининг улуғ фарзанди, оташин коммунист, жаҳон коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг атоқли арбоби, мамлакатимизнинг қалин ва самимий дўсти Георгий Димитров туғилган куннинг 100 йиллиги — революцион календардаги шонли санадир. Совет халқи бу санани қардош болгар халқи билан, социалистик ҳамдўстликдаги бошқа мамлакатларнинг халқлари билан бирга, бутун прогрессив инсоният билан бирга нишонламоқда. 17 июнь куни бўлиб ўтган Москва жамоатчилиги вакилларининг йиғилиши ана шу шонли санага бағишланди.

РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМЛАРИ

Киров район партия комитети пленуми бўлиб ўтди. Район партия комитетининг биринчи секретари М. Камолова «КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди қарорлари асосида халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, уларнинг турларини кенгайтириш, сифатини яхшилаш комплекс программасини амалга ошириш бўйича район саноат корхоналари партия ташкилотларининг вазифалари тўғрисида» доклад қилди.

Докладни муҳокама этишда Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номидаги тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитетининг секретари Ш. Акбаров, «Ўрток» кондитер фабрикаси конфет цехининг бригадири Л. Малькова, асбобсозлик заводи касаба союз комитетининг раиси А. Ходарев ва бошқалар қатнашдилар.

Муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Пленум ишида Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари У. У. Умаров иштирок этди ва нутқ сўзлади.

* * *

Сергели район партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Унда район партия комитетининг биринчи секретари Б. Турик «КПСС XXVI съезди талаблари асосида ташкилий-партиявий ишларни янада такомиллаштириш юзасидан район партия ташкилотининг вазифалари тўғрисида» доклад қилди. Доклад юзасидан музокараларда 165-кўчма механизациялашган колонна партия ташкилотининг секретари М. Попов, 3-автокомбинат ҳайдовчиси Р. Давлатов, граждан авиацияси 243-заводи электр монтажчиси Н. Драченкова ва бошқалар сўзга чиқишди. Муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Пленум ишида Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг иккинчи секретари К. П. Дудин қатнашди ва сўзга чиқди.

* * *

Чилонзор район партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Унинг қатнашчилари КПСС Марказий Комитетининг «Коммунистларнинг авангардлик ролини ошириш ва уларнинг ишлаб чиқариш ҳамда жамоат ҳаётидаги активлигини ривожлантириш тўғрисида КПСС XXVI съезди қарорларини бажариш юзасидан Ўзбекистон Компартияси Самарқанд область комитетининг иши тўғрисидаги қарорини адо этиш бўйича район бошланғич партия ташкилотларининг вазифаларини муҳокама қилдилар. Район партия комитетининг биринчи секретари Т. Содиқов доклад қилди.

Доклад муҳокамасида 2-пойафзал фабрикаси партия комитетининг секретари Л. Дворцис, 5-таксопарк ҳайдовчилар бригадири Б. Аҳмедов, «Промграждан с т р о й» тресті дурадгори А. Расторгуев ва бошқалар қатнашишди.

Муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Пленум ишида Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг секретари Б. Ғ. Халилов қатнашди ва сўзга чиқди.

* * *

Акмал Икромов район партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Район партия комитетининг биринчи секретари Ҳ. Камолов «Район меҳнат коллективларида аҳолига хизмат кўрсатиш турмуш тарзини янада такомиллаштириш, социалистик турмуш тарзини пропаганда қилиш ва тадбиқ этиш бўйича район партия ташкилотининг вазифалари тўғрисида» доклад қилди.

«Средазгазавтоматика» заводи директори А. Мансуров, район прокурори А. Крестовников, сут бирлашмаси ишчиси Е. Убайдуллаева ва бошқалар доклад юзасидан музокарада сўзга чиқишди. Муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Пленум ишида Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг секретари М. Ф. Солдатов қатнашди ва сўзга чиқди.

КПСС Марказий Комитети май (1982 йил) Пленуми қарорлари — ҳаётга

ОЗИҚ-ОВҚАТ ПРОГРАММАСИ — УМУМХАЛҚ ИШИ

КОРХОНАЛАР ЕРДАМЧИ ХЎЖАЛИКЛАРИНИНГ ИМКОНИЯТЛАРИДАН ҲАМ ТЎЛИҚРОҚ ФОЙДАЛАНИШ МУМКИН БЎЛУР ЭДИ. ШУНДАЙ ХЎЖАЛИКЛАРНИ ЮРИТИШГА ҚОДИР БЎЛГАН ҲАР БИР САНОАТ КОРХОНАСИ, ҲАР БИР ТАШКИЛОТ ОДАТДА ЕРДАМЧИ ХЎЖАЛИККА ЭГА БЎЛИШИ КЕРАК. ШУ МАҚСАДДА САНОАТ КОРХОНАЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРГА ЗАРУР ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ЭКИН МАЙДОНЛАРИНИ АЖРАТИБ БЕРИШ ЛОЗИМ. КЎПГИНА КОРХОНАЛАРДАГИ МАВЖУД СУВ ҲАВЗАЛАРИДАН БАЛИҚ ЕТИШТИРИШ УЧУН ФОЙДАЛАНИШ ҲАМ ЯХШИ САМАРА БЕРИШИ МУМКИН.

Л. И. БРЕЖНЕВ.



ҚИШЛОҚ КОНСЕРВАЧИЛАРИ СОВҒАСИ

Пойтахт областидаги қишлоқ магазинларининг пештахталарида «Малина мураббоси», «Қулупнай шарбати» консервалари пайдо бўлди. Тошкент область матлубот союзининг ихтисослаштирилган цехлари шу маҳсулотларни ишлаб чиқара бошладилар. «Ўзбекбирл а ш у в» нинг тайёрлаш идоралари колхозчилар ва совхоз ишчиларининг ёрдамчи хўжаликларидан маҳсулот сотиб олиб, уни қайта ишлаш учун шу цехларга топширади.

Қишлоқ матлубот кооперацияси заводлари тайёрлаётган консерваларнинг тури кўп. Масалан, Фарғона областидаги корхоналар узум баргларини консервалашни йўлга қўйдилар. Ана шу корхоналарда пиёзни қуритувчи механизациялашган линиялар ишга туширилди. Буюртмачи — мамлакат балиқ саноатига дастлабки минг тонна пиёз юборилди. Хоразм областининг савдо тармоқларига атиргул баргидан «Ўзбекбирлашув»нинг Ургенчдаги заводида тайёрланган мурабболар жўнатилди.

ЁРДАМЧИ ХЎЖАЛИКЛАРГА

Машинада сут соғиш оператори — 225-махсус ҳунар-техника билим юртида ўрганиладиган янги касблар. Тракторчи-машинист, тикувчи-мотористлар, суворқчи-бўёқчилар, сабзавоткорлар — билим юртининг битириб чиқувчилари Сирдарё районининг «Ленинград» колхозида ва бошқа хўжаликларида муваффақиятли меҳнат қилишмоқда.

(ЎзТАГ).

КЕЛГУСИ ЙИЛ ҲИСОБИГА

«Главташпасса в т о-транс» бошқармасига қарашли 4-автопарк коллективи қувончли ютуқларни кўлга киритмоқда. Коллективнинг 25 аъзоси 2 йиллик планларини бажарганлиги ҳақида рапорт беришди. Улар эндиликда 1983 йил ҳисобига меҳнат қила бошладилар. Коллективнинг қолган аъзолари ҳам бу пешқадамлардан ўрнак олиб ҳаракат графигига тўла амал этган ва машиналар созлигига эътибор қилган ҳолда куплик нормаларини ошириб бажаришга ҳаракат қилишмоқда. Илғор йигирма бешчилардан В. Боровский, Н. Абдулхолҳўжаевлар йўловчиларга намунали хизмат кўрсатишда ўз ҳамкасбларига алоҳида ўрнак бўлишмоқда.

Премьера

СЕВГИ ДОСТОНИ

Кеча пойтахтимиздаги Алишер Навоий номли Ўзбекистон ССР академик Катта театрида таниқли совет композитори Тихон Хренниковнинг «Муҳаббатга муҳаббат билан» балети премьераси бўлиб ўтди.

Тошкентлик балет мухлислари, кўпсонли томошабинлар катта олқиш билан кутиб олган янги асар премьераси Ўзбекистон балет санъати усталари эришаётган улкан ижодий ютуқларнинг яна бир ўзига хос намойиши бўлди. «Муҳаббатга муҳаббат билан» балети премьерасига таниф буюрган шаҳримиз театр жамоатчилиги вакиллари, таниқли санъаткорлар, пойтахтимиз меҳмонлари Алишер Навоий номидаги театр коллективи мамлакатимизнинг етакчи театрлари томонидан муваффақиятли қўйиб келинаётган ушбу асарга ижодий ёндошганлиги, уни бойитганлиги, янада сермазмун ва ижро маҳорати жиҳатидан юксак даражага олиб чиқишга сазовор бўлганлигини эътироф этдилар.

Машҳур совет композитори, СССР халқ артисти, Ленин ва СССР Давлат мукофотлари лауреати Тихон Хренников В. Шекспирнинг «Иўқ нарсадан чиқан бир талай гавго» комедиясига езган балети ноқ муҳаббатни тараннум этиши билан бирга ана шу муҳаббат туфайли тугилаётган кулгили воқеаларни юксак бадиий савияда акс эттириши билан ажралиб туради. Тошкентлик балет санъати усталари ушбу асарга ўрта Осиё республикалари опера ва балет театрлари орасида биринчи бўлиб мурожаат қилдилар.

Спектакллари асосий ролларни СССР халқ артисти, Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти лауреати Бернора Қориева, Қорақалпоғистон АССР халқ артисти, балет артистларининг Тошкентда бўлиб ўтган Халқаро конкурси дипломанти Замира Давлатмуродова, балет артистларининг IV Халқаро конкурси дипломанти Замира Давлатмуродова, балет артистларининг Тошкентда бўлиб ўтган Халқаро конкурси лауреати Василий Клочко, шунингдек Георгий Гусев ва бошқа истеъдодли балет артистлари катта муваффақият билан ижро этдилар.

— Ўзбекистон ССР халқ артисти, Ленин ва СССР Давлат мукофотлари лауреати Тихон Хренников В. Шекспирнинг «Иўқ нарсадан чиқан бир талай гавго» комедиясига езган балети ноқ муҳаббатни тараннум этиши билан бирга ана шу муҳаббат туфайли тугилаётган кулгили воқеаларни юксак бадиий савияда акс эттириши билан ажралиб туради. Тошкентлик балет санъати усталари эришаётган улкан ижодий ютуқларнинг яна бир ўзига хос намойиши бўлди. «Муҳаббатга муҳаббат билан» балети премьерасига таниф буюрган шаҳримиз театр жамоатчилиги вакиллари, таниқли санъаткорлар, пойтахтимиз меҳмонлари Алишер Навоий номидаги театр коллективи мамлакатимизнинг етакчи театрлари томонидан муваффақиятли қўйиб келинаётган ушбу асарга ижодий ёндошганлиги, уни бойитганлиги, янада сермазмун ва ижро маҳорати жиҳатидан юксак даражага олиб чиқишга сазовор бўлганлигини эътироф этдилар.

Машҳур совет композитори, С

БОШ МУХБИРИМИЗДАН
ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
ХАТЛАР

Меҳнатинг — зийнатинг

УСТОЗГА ТЕНГЛАШИБ

Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг барча цехлари ва бўлимларининг ишчи ва инженер-техник ходимлари СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олишга интилмоқдалар. Айниқса, бизнинг цехимизда олдинги сафларда жонкўярлик билан хизмат қилаётган социалистик мусобақа илғорларидан йиғувчи-слесарь В. Задиран, фрезерчилар О. Голубев, Э. Баянов, ўлчовчилардан В. Садчиков, А. Меркулов ва бошқаларнинг номларини тилга олиш мақсадга мувофиқдир. Олтинчи разрядли, юқори малакали ишчилардан Александр Михайлович Меркулов ва Виктор Михайлович Садчиковлар ҳақида ҳар қанча гапирсак арзийди.

Уларнинг иши аниқ, равон ва ишончли маълумотни талаб этади, ўлчовда сал хатога йўл қўйилса бас, деталда нуқсонлар пайдо бўлади. В. М. Садчиков ўн йил шу вазифада ишлаган, шунинг учун ҳам бу касбнинг сир-асрорларини пухта билгани ҳолда фрезерчиларнинг ишини осонлаштиришга ҳаракат қилади. У коммунистик меҳнат зарбдори, тўққизинчи ва ўнинчи беш йиллик илғори. Бирлашмада йигирма беш йилдан бери хизмат қилиб, ишлаб чиқаришнинг такомиллашувига ҳисса қўшиб келмоқда. У олтита рационализаторлик таклифини ишлаб чиқаришга жорий этган. Унинг таклифлари технологик жараённи камайтирди, деталларнинг сифатини яхшилади. Ўз ишининг фидокори бўлган Виктор Михайлович ўнлаб шогирдлар тайёрлади.

Унинг сурати 1974 йилдан буён бирлашмамизнинг «Ҳурмат тахтаси»дан ўрин олган. III даражали Меҳнат шуҳрати ордени ва медаллар билан тақдирланган.

Икки касб эгаси, ўн икки йилдан бери ўлчовчилик вазифасини адо этаётган Александр Михайлович Меркулов, В. М. Садчиковнинг шогирдларидан саналади. Ҳозир бу йигит устозидан қолишмаяпти. У ҳам ўзига муносиб тўрт шогирд тайёрлаган. 1977 йилдан буён сурати бирлашманинг «Ҳурмат тахта»сида турибди.

Александр Меркулов уч марта Фахрий ёрлиқ ва пул мукофотлари билан тақдирланди. У цех партия бюроси аъзоси сифатида жамоат ишларида фаол иштирок этяпти. Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институтининг учинчи курсида таълим оляпти. Устоз ва шогирд ўзаро мусобақадош. Улар ўн биринчи беш йиллик планини тўрт йилда бажариш маррасини кўзлаб, бирлашмамизнинг 50 йиллик юбилейи ва СССРнинг 60 йиллик шонли тўйини муносиб совғалар билан кутиб олишга қатъий бел боғлашган.

Ҳ. ХУЖАЕВ,
В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчиси.

КИМ БЎЛСАМ ЭКАН?

СИЗНИ ҲУНАР КУТАДИ

Осмонўпар пахта хирмонларини бунёд этишда «Ўзбекистон» ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчи ва хизматчи, инженер-техник ходимларининг ҳам баракали улушлари бор, албатта. Кейинги йилларда қишлоқ хўжалигини комплекс механизациялаш ҳақидаги партия ва ҳукуматимизнинг кўрсатмасига биноан бошқарма томонидан ишлаб чиқарилаётган машиналарга талаб ортди. Бунинг учун етук ёш кадрлар тайёрлаш керак эди.

Бирлашма ўзи учун мутахассислар тайёрлаш ниятида уч йил муқаддам 214-ўрта ҳунар-техника билим юртини очди. Билим юрти 14 ўқув кабинети, ишлаб чиқариш устахоналари, бошқарма томонидан бутун керакли техника воситалари, кўргазмали қуроллар билан давр талабига мос қилиб жиҳозланди. Дастлабки йиллари 260—350 бола жалб қилинган бўлса, ҳозир унинг бағрида 513 ўғил-қиз касб-ҳунар ўрганяпти.

Ўтган йили 267 ёш йигит-қиз токарлик, слесарлик, автослесарлик, электр пайвандчилик касбларини эгаллаб чиқишган эди. Бу йил эса, юқоридаги ҳунар-касб бўйича 310 нафар ўғил-қиз ўрта маълумот ва эгаллаган ҳунари ҳақида тегишли ҳужжат олди.

Илгари битириб чиққан ёшлардан Эсонали Халилов, Анвар Хўжаев, Абдужаббор Деҳқонов, Эрмат Бердиқулов, Исмоил Алиев, Акбар Алимжонов кабилар бирлашма цехларида зарбдорчасига меҳнат қилмоқдалар.

Бу ерда ёшларнинг пухта ҳунар эгаллаганларига асосий сабаб амалий машғулотлар асосан бирлашма цехларида, қайноқ ишлаб чиқариш жараёнида ўтаётгани ёшларда ишчи касбига иштиёқ уйготмоқда. Ишлаб чиқариш мастерларидан Асқад Шайхуддинов (электр пайвандчи), Водф Пауст (токарь), Абдурасул Сайдалиев (слесарь), Музаффар Исмоилов (автослесарь) кабилар ёшларга меҳрибонлик билан устозлик қилмоқдалар.

Беш йиллик охирига бориб билим юрти кенгайиб, ўқувчилар сони 800 кишига етади.

— Билим ва ҳунар масканига шу кунгача ўқиш, касб эгаллаш истагини билдирганлар сони 360 кишига етди, — дейди билим юрти директор ўринбосари С. Сайфуддинов биз билан суҳбатда.

Билим юртининг ташкил этилганлиги яхши самара бериб, бирлашмада ишчи-кадрларга бўлган етишмовчиликни қондиришда, уни ёш мутахассислар билан таъминлашда ижобий роль ўйнамоқда.

С. СУЛТОНОВ,
Ўзбекистон ССР халқ маорифи аълочиси.



Тошкент тўқимачилик комбинатида ўз ишини яхши билган юзлаб усталар меҳнат қилади. Станокларни ремонт қилиш бўйича мастер З. Мамаюсупов ана шундай тажрибали ишчилардан саналади. У шу кунларда комбинатнинг янги очилган 2-филиалида СССР 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун фидокорлик кўрсатмоқда.

СУРАТДА: пешқадам ишчи З. Мамаюсупов ёш тўқувчи И. Соколовага тўқув операциясини тушунтирмоқда. Ҳ. Мирзакаримов фотоси.

Қурувчи ҳамкасби ҳақида

КАСБГА МЕҲР

Зиёдулла Қаршибоев илк бор меҳнат фаолиятини 11-«Висотстрой» трестининг 1-қурилиш бошқармасида бошлаган эди. У ўшанда кадрлар бўлимига ийманибгина кириб келганди. Тўладан келган аёл — кадрлар бўлими бошлиғи уни синаш оҳангида:

— Йигитча, қурилишда ишлаш осон эмас. Қийналиб қоласиз, — деди.

— Бу касбни жондилимдан севаман, — деди Зиёдулла қатъий.

Шу-шу бўлди-ю, Зиёдулла ишга берилиб кетди. Дастлабки кунлари кадрлар бўлими бошлиғининг гапи чиндан ҳам рост чиқаётганига ишонди. «Қурувчилик касби осон эмас экан», — дея хаёлидан ўтказди у. — Иссиғида жўнаб қолсаммикин?

Шунда тажрибали қурувчи, бригада бошлиги иккиланиб турган йигитнинг аҳволига тушуниб, уни юпатди:

— Инсон меҳнатда тобланади, қийинчиликлардан чўчима. Секинаста ўрганиб кетасан — деди Федор Кельм.

Бригадирнинг бу гапи Зиёдуллага далда бўлди. У бригадирнинг ўзидан ва бошқа қурувчилардан, айниқса унинг устози бўлиб қолган ўз касбининг устаси Г. Югайдан бинокорлик сир-асрорларини ўргана бошлади. Тез орада унинг номи тилга тушди. Меҳнатсеварлиги, тиришқоқлиги билан кўзга кўрина бошлади. 1978 йили у Совет Армияси сафига чақирилди. Хизматни аъло даражада ўтагач, жонажон коллективидан кўнглини узолмади. У яна 1-қурилиш бошқармасига — ўз бригадасига қайтди.

Мана ҳозир З. Қаршибоев «СССР 60 йиллигига — 60 зарбдор ҳафталик!» шиори остида ўтаётган мусобақада пешқадамлик қилмоқда. Унинг тўғрисида бригадир Фёдор Кельм завқланиб гапиради:

— Зиёдулла Қаршибоев энг илғор, тажрибали қурувчиларимиздан бири. У бир йўла ғишт терувчилик, пайвандчилик каби бир қатор касбларни пухта эгаллаб олган. У илғор ташкилотчи, жамоат ишларида фаол иштирок этмоқда. Чунончи, бошқарма комсомол комитети секретари ўринбосари ва кўнгилли дружиначи сифатида иш олиб боряпти. Ҳалол меҳнатлари учун трест ва бошқарма маъмуриятлари томонидан бир неча марта Фахрий ёрлиқлар билан тақдирланган.

Яқинда ёш қурувчининг ҳаётида унутилмас воқеа юз берди. Коллектив унга юксак ишонч билдириб, КПСС аъзолигига қабул қилди. У изланувчан йигит. Ўз устида тинмай ишламоқда. Шунинг учун ҳам ишни ўқиш билан қўшиб олиб боряпти.

Шу кунларда З. Қаршибоев Лохутий ва Кафанов кўчалари кесишган чорраҳада бунёд этилаётган 64 хонали тўққиз қаватдан иборат янги турар жой биносида баракали меҳнат қилмоқда.

— Мен, — дейди у, — СССР 60 йиллиги шарафига оширилган социалистик мажбурият олганман. Шунинг учун ҳам ҳафталик топшириқларни 1,5 баравар адо этмоқдаман. Мақсадим — Ватанимизнинг бу улкан тўйини ўн биринчи беш йиллик топшириғини муддатидан илгари бажариш билан кутиб олишдир. Биз ҳамкасбимиз Зиёдулла Қаршибоевнинг бу эзгу ниятига тилакдошмиз.

З. МАМАДАЛИЕВ,
11-«Висотстрой» трестига қарашли 1-қурилиш бошқармасининг қурувчиси.



Тошкент тепловоз ремонти заводида маҳсулотларнинг ўз вақтида тайёрланиши билан бирга уларнинг сифатини яхшилашга ҳам эътибор бериб келинмоқда.

СУРАТДА: электр машиналар ремонти цехи бошлиғи Р. Яхин, инженер-технолог О. Ситник, слесарь Б. Кобзев ва токарь Э. Адамбоевлар иш жараёнида. Бу илғорлар ўз топшириқларини мунтазам ортиғи билан бажариб, бошқаларга ўрнак бўлишмоқда.

Қ. Исоқов фотолари.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

ЧИРОЙ ОЧМОҚДА

Ҳамза районидаги «Янгиобод» маҳалласига йўли тушган одамнинг кўзи қувонади, дили яшнайди. Чунки маҳалла озодалиги, саришталиги билан алоҳида ажралиб туради. Маҳалла аҳолиси ободонлаштириш ишларини ҳашар йўли билан олиб боришади. Маҳаллада қад кўтарган чойхона ҳам ҳашар йўли билан тикланди. Унинг атрофлари ободонлаштирилди, кўкаламзорлаштирилди. Чойхона аҳолининг ҳар хил йиғилиш ва суҳбатлар ўтказиладиган маданият масканига айланиб қолди. Бу ерда уруш ва меҳнат ветеранлари, адабиёт ва санъат намояндалари билан учрашувлар ва ҳар хил лекциялар уюштирилиб турилади.

Бу хайрли ишларнинг ҳаммаси маҳалла комитетининг раиси У. Ҳакимовнинг бевосита жонкуярлиги ва ташкилотчилиги туфайли амалга ошмоқда.

А. ДОЛИМОВ,
СССР Журналистлар союзининг аъзоси.

● РЕДАКЦИЯ ПОЧТАСИДАН

ҲАММОМДАГИ ТАРТИБСИЗЛИК

Ишчилар шаҳарчасидаги 21-ҳаммом 3-комбинатга (директори У. Қодиров) қарашли бўлиб, бу ерга кирган киши ювиниб ёнгил тортиб чиқиш урнига, таъби хира бўлиб чиқади. Эркаклар бўлимида антисанитария ҳолати мавжуд бўлса-да ҳамон аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Ҳаммомдаги шкафларнинг деярли ҳаммасининг эшиклари синган, баъзиларининг эшиги йўқ.

Ҳаммомдаги олтита жўмракдан фақат биттасигина ишлаётганининг ўзи бу ерда қандай хизмат кўрсатилаётганлигини айтиб турибди. Бу тартибсизликларга шаҳар маиший хизмат кўрсатиш бошқармаси раҳбарлари қачон барҳам беришади?

Н. ОМОНОВ.

● ЛУҚМА

ҲАШАРОТ БОСМОҚДА

Шаҳримиздаги Қорақамиш массиви кўмкўк дарахтзорга айланган. Аммо, сўнгги йилларда сув йўқлиги натижасида кўпгина дарахтлар қуриб қолмоқда. Бундан ҳам ёмони дарахтларга зараркунанда ҳашаротлар тушмоқда. Аҳоли қўлидан келганча ҳашаротга қарши курашяпти. Бироқ бу тадбир ёрдам бермай келяпти. Устига-устак керакли дориларни магазиндан топиш қийин. Авваллари бу иш билан шаҳар ўсимликларни ҳимоя қилиш, ташкилоти ходимлари шуғулланарди. Кейинги вақтларда улар ўз вазифасини унутишди. Натижада ҳашаротлар кўпайиб, бутун массив бўйлаб торқалиб бормоқда. Тезда бунинг олди олиниши керак!

М. ПИРНАЗАРОВ.

20 июнь — маҳаллий Советларга сайловлар куни

БУРЧГА САДОҚАТ

Мирадҳам Мирзуфаров 30 йилдирки, қонунчилигимиз жонкуяри сифатида халқ ишончини оқлаб келяпти.

...Мирадҳам бу касбга ёшликдан кўнгил қўйди. 1949 йили қўлига етуклик аттестатини олар экан, ҳеч иккиланмай Ўрта Осиё Давлат университети (ҳозирги ТошДУ)нинг юридик факультетига ҳужжатларини топширди. Илмга, касбга чанқоқ Мирадҳам Мирзуфаров университетни муваффақиятли тугатди. У энди катта ҳаёт бўсағасида турарди. Қўлидаги йўлланма билан Тошкент шаҳар Киров район юридик консультациясига шахдам кириб келди.

— Мени сизларга ишга юборишди, — деди у кўз ойнак тақиб олган, сочлари оппоқ, савлатли кишига юзланиб.

Бошлиқ унинг ҳужжатлари билан танишиб чиққач, йигитчага кўзойнаги остидан синовчан боқди:

— Бизда иш оғирку, йигитча. Эплай олармикансиз. Қонунни ҳар қандай шароитда ҳам ҳимоя қилиш керак, кишиларга тўғри йўл-йўриқ кўрсатиш лозим...

— Мен тайёрман, — деди Мирадҳам солдатчасига.

Шу-шу бўлди-ю М. Мирзуфаров ишга сидқидилдан киришиб кетди. Ўз устида тинмай ишлади, изланди. Марксизм-ленинизм кечки университетини, Тошкент халқ судьялари малакасини ошириш курсини тугаллади.

Инсон доимо орзулар оғушида яшайди. Улар эса сўзсиз кишига қанот бағишлайди. Касбга меҳр, меҳнатсеварлик, ҳар бир ишни одилона ҳал этиш — бу хусусиятларнинг ҳаммаси М. Мирзуфаровга қанот бағишлади. У энди Тошкент область жиноий ишлар коллегияси аъзоси сифатида фаоллик кўрсата бошлади. 1978 йили эса унга яна бир катта ишонч билдирилди. Тошкент шаҳрида янги ташкил этилган Акмал Икромов район халқ суди раислигига сайланди.

Ўзининг 30 йиллик меҳнат фаолияти давомида Мирадҳам Мирзуфаров жуда кўплаб шогирдлар тайёрлади. Улар ҳозир совет қонунини ҳимоя қилмоқдалар.

Яқинда район халқ суди раиси М. Мирзуфаровга яна бир катта ишонч билдирилди. СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи коллективи уни халқ судьялигига номзод қилиб кўрсатди.

— Бу мен учун жуда катта ишонч, — дейди Мирадҳам Мирзуфаров. — Ўз навбатида зиммамга яна ҳам юксак масъулият юклайди. Уни тўла оқлашга интиламан.

С. ҲАСАНОВА,
В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университети журналистика факультетининг студенти.



БУГУНГИ СЕРГЕЛИ.

СУРАТДА: Сергели 3—4 микрорайонидаги янги турар жой бинолари.

ХАМКУЛАСИЗ, КУЯСИЗ

ВАЙСАҚИ ТАКСИЧИ

Бу воқеа 23 май — якшанба куни бўлди. Назира опа келини билан қариндошларникига бормоқчи эди. Келиннинг қўлида чақалоқ боласи ҳам бор. Улар Чилонзордаги 19-кварталда, студентлар ётоқхонаси билан Универсам оралиғида кўча чеккасида турганча узоқ вақт такси «овлашди». Кўк чирогини ёқиб келаётган такси тўхтайди. Назира опа «Чорсу орқасидаги «Ғунча» кинотеатри ёнига олиб боринг» дейиши билан негадир ҳайдовчи юзини ўгиради. «Йўлимиз бошқа ёққа» дейди-ю, жўнаб қолади. Улар роса бир ярим соатча офтобда куйиб турдилар. Чақалоқ бетоқат бўла бошлади. Ниҳоят яна шундай кўк чироғини ёқиб келган такси тўхтаганида Назира опа чин дилдан ялина бошлади:

— Илойим барака топинг, иссиқда қийналиб кетдик, бола касал бўлиб қолади, обориб қўйинг.

Таксичи кўнди. Бироқ уларга йўлдош бўлган яна икки студент машинага ўтирганида қовоғи тушиб кетди.

— Думларингиз ҳам бормиди? — деди тўнғиллаб.

Назира опа анчадан буён машина пойлаб туришганини, ҳеч қайсиси олиб кетмаганини айтиб ҳасрат қилди.

— Албатта олмай, ди-да! — деди таксичи негадир бўғилиб. — Бизга алоҳида-алоҳида ўтирадиган йўловчилар қулай. Битта-биттадан олсак пули ҳам тўрт ҳисса кўпаяди.

Студентлар энди чидаб туришолмади:

— Бу қанақа гап? — деди улардан бири. — Ахир сизлар халққа хизмат қиласиз.

Таксичи лампа мой сепилгандек ловуллаб кетди:

— Халқ нима ўзи! — деди бақириб. — Халқ миннатдор бўлармиди! Халқингдан менга нима фойда.

— Ахир биз ҳам халқнинг фаровонлиги ошсин деб илм оляпмиз, — деди бояги студент.

— Илмингни пишириб е! — Таксичи яна ўшқирди. — Илм олсанг мени деб оласанми? Илмингдан менга нима фойда?!

Студент яна эътироз билдираётган эди, машина чийиллаб тўхтади. Таксичи машинадан тушди-ю ўнг томондаги эшикларни тарақлатиб очди.

— Қани, туш ҳамманг!

Назира опа яна ялинишга тушди. Бола чирқиллаб йиғлаи бошлади. Таксичи, буни қарангки, «инсофга келди». Бироқ у йўл-йўлакай ҳаммани оўралаб сўкар, ҳатто чорраҳалардаги ГАИ ходимлари ҳам унинг ҳақоратидан «бенасиб» қолмас эди. Ниҳоят бояги студентлар Чорсуда машинадан тушиб қолишди.

— Бунақа олифталарнинг кўнини кўрганман! — деди ҳайдовчи ҳамон вайсаб. — Гап деса қоп-қоп, чўнтагидан бир тийин чиқиши ўлимдан қийин.

У йўл-йўлакай шундай сассиқ сўзлар билан аёлларнинг кўнглини ҳуфтон, қилиб борди. Йўл-йўлакай чекиб машина ичини тутунга тўлдириб ташлади. Назира опа машина ичидаги ёзувдан ҳайдовчининг фамилияси Қосимов эканини, машина эса 7-таксопаркка қарашли эканини билиб олди.

— Мен Қаҳрамон онаман, — деб ёзибди Чилонзор район, Ҳосилот кўча, 1-проезд, 57-уйда истиқомат қилувчи Назира Шукурова. — Шунча бола тарбиялаб уйимизда бирон марта шунчалик қўпол сўзларни эшитган эмасмиз. Наҳотки, халқ хизматини бажариши керак бўлган такси ҳайдовчиси бу қадар сурбетлик қилса? Ахир студентлар ёмон гап айтишгани иуқ-ку.

Бу ҳақли эътирозга нимани қўшимча қилиш мумкин? Биринчидан, такси автомобили ўша Қосимовнинг катта холасидан қолган мерос эмас. Давлатнинг машинаси. Иккинчидан таксига неча киши ўтиришидан, таниш ёки нотанишлигидан қатъий назар счётчик ўлчаган пулни бўлиб тўлаши керак. Ҳар кишидан алоҳида ҳақ олишга ўрганиш эса таксичининг бориб турган ўғрилиги. Бундан ташқари 7-таксопаркда тарбия ишлари ниҳоятда бўшашиб кетганга ўхшайди. Таксопарк раҳбарлари 23 май куни кундуз ишлаган таксичини топиб муносиб жазосини бермоғи керак. Бундай одамга давлат машинасини шахсий манфаат учун бериб қўйиб бўлмайди.

НОН КЎР ҚИЛМАЙДИМИ?

Латофатхон болаларни нонуштага тўплади. Дастурхонга тўртта оби нон қўйди. Кичкинтой нонга қараб туриб негадир кулди:

— Ойи, нон нега қийшиқ?

Латофатхон болани койиб берди:

— Нонинг ёмони бўлмайди. Унақа дема!

У нонни энди ушатган эди, қай кўз билан кўрсинки, ичидан қўнғиз чиқди. Семизгина, қоп-қора қўнғиз. Ўзининг ҳам, болаларнинг ҳам иштаҳаси бўғилди.

— Шу нонни ҳам еса бўладими, — деб сўради кичкинтой.

Латофатхон боланинг ҳақли саволига нима деб жавоб беришини билмай қолди. У нонни худди шу куни — 18 майда Чилонзор Оқтепасидаги 44-магазиндан сотиб олган эди. Эринмасдан магазинга борди. Бўлган воқеани айтди.

— Оби нон 4-нон заводидан олиб келинган, — дейишди магазиндагилар. — Нима қилайлик, бизга берганини сотамиз-да. Қийшиқми, қинғирми, қўнғизлими...

— Мен болаларимга нонни табаррук деб ўргатганман, — деб ёзибди Октябрь район, Оқтепа массиви, Ходи Тоқтош кўчаси 11-уйда истиқомат қилувчи Латофат Султонова. — Бир бурда нон ортиб қолса ҳам тухум чақиб нон устига суртаман-да товада ёғ қиздириб қовуриб бераман. Олти болам ҳам шунга ўрганган. Мабодо нон жуда қотиб қолса талқон қиламиз. Азбаройи етишмовчиликдан эмас, болалар нонкўр бўлмасин деб шундай қиламан. Лекин ўша куни бўлган воқеадан кейин болаларимнинг олдида уялиб қолдим. Бу ёқда нонни авайлаш ҳақида шунча гаплар бўлаётганида, у ёқда 4-нон заводидагилар ўзлари емайдиган нарсани нима учун бошқаларга раво кўришади? Нима учун қанчадан-қанча халқ мулкини исроф қилиб, сифатсиз маҳсулот чиқаришади? Нима учун магазиндагилар хомсўс, қийшиқ, куйиб кетган, бунинг устига орасига антиқа нарсалар тушиб қолган нонларни улардан қабул қилиб олишади? Нон кўр қилмайдими ахир!

Газетхоннинг эътирози тамомила ҳақли. 4-нон заводидагилар минглаб тонна унларни бу қадар исроф қилишга, магазиндагилар эса хўрандаларнинг иштаҳасини бўғадиган бундай маҳсулотларни қабул қилишга чек қўйиши лозим.

ҲУШЁРБЕК.

«Тошкент оқшоми»да босилгандан кейин

«ЙЎЛ АЗОБИ»

Юқоридаги сарлавҳа остида босилган материалда 3-ҳамда 18-автобус парки ва 2-маршрут такси паркидаги нуқсонлар қайд этилган эди.

Шаҳар пассажир автотранспорти ишлаб чиқариш Бош бошқармасидан олинган жавобда кўрсатилишича, дарҳақиқат бу паркларда ишда нуқсонга йўл қўйилган.

Молия тартибини бузган ҳайдовчилар Хидиров ҳамда Толипозларга виговор берилди. Ҳайдовчи Зайнуддулинга жарима солинди. 2-парк ҳайдовчиси Мираҳмедов ишдан четлаштирилди.

«ҚАЧОНГАЧА ЮРАК ҲОВУЧЛАЙМИЗ»

Октябрь районидаги «Октябрь 50 йиллиги» маҳалласида чироқ муаммоси кўпчиликни ташвишга солиб қўйгани юқоридаги сарлавҳали материалда танқид қилинган эди.

Шаҳар электр тармоқлари корхонасидан олинган жавобда бундай дейилади: Октябрь районида кабеллар тартибга келтирилди. Шунингдек симлар алмаштирилиб, аҳолини электр энергия билан таъминлаш нормал йўлга солинди.

«НЕГА БАЖАРИЛМАЙДИ»

«Қўйлиқ—5» «Б» массивидаги 40, 41, 38, 48, 49, 50-уйларда қурувчилар чала қолдириб кетган ишлар кўплиги, бу аҳолига қулайсизликлар туғдираётгани танқид қилинган эди.

Халқ депутатлари Сергели район Совети ижроия комитетидан олинган жавобда кўрсатилишича, юқорида кўрсатилган уйлардаги чала ишлар тузатилиб, нормал ҳолга келтирилган.

ТО СПРАВКАЛАР БЮРОСИ

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

М. ҲАЛИЛОВА: Ишлаб чиқаришда банд бўлган аёллар профессионал маҳоратларини оширишда бўлган вақтларида уларга иш ҳақи қандай миқдорда тўланади.

Жавоб: Партия ва ҳукуматимизнинг ишлаб чиқаришдаги ишчиларни тайёрлашни янада такомиллаштириш ва уларнинг малакасини ошириш тадбирлари тўғрисида қабул қилган қарорида саккиз ёшгача болалари бўлган ишчи аёллар ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда малакаларини ошираётган чоғларида уларнинг ўртача иш ҳақлари сақланади.

Ш. МУҲАМЕДОВ, М. ОМОНОВ: Бизларга кўкракка тақиладиган «Социалистик мусобақа ғолиби» нишони қачон таъсис этилгани, бу нишон билан кимлар мукофотланиши мумкин эканлиги ҳақида маълумот беришингизни сўраймиз.

Жавоб: Кўкракка тақиладиган «Социалистик мусобақа ғолиби» нишони ягона умумиттифоқ нишони бўлиб, у КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг 1976 йил 21 январдаги қарори билан ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини ошириш учун социалистик мусобақада меҳнатда юқори кўрсаткичларга эришган илғор ишчилар, колхозчилар, инженер-техник ходимлар, корхоналар, бирлашмалар, қурилишлар, совхозлар, колхозларнинг хизматчилари, илмий-тадқиқот, лойиҳалаш-конструкторлик ва бошқа ташкилотларнинг ходимларини мукофотлаш учун таъсис этилган. ВЦСПС Президиуми 1976 йил 11 июнда нишоннинг нусҳасини ва у ҳақдаги низомни тасдиқлади. «Социалистик мусобақа ғолиби» нишони билан йиллик, шунингдек, йил мобайнидаги иш натижаларига кўра — йиллик топшириқни ва социалистик мажбуриятларни муддатидан олдин бажарганлиги учун мукофотланади. Иттифоқ аҳамиятидаги корхоналар ва ташкилотларнинг ходимлари министрлик (идора) билан касаба союзи Марказий Комитетининг биргаликда чиқарган қарорига биноан; иттифоқ-республикага ва республикага бўйсунувчи корхоналар ва ташкилотларнинг ходимлари иттифоқдош республика министрлиги (идораси) билан касаба союзи республика комитетининг ёҳуд касаба союзи республика комитети бўлмаган жойларда касаба союзи советининг биргаликда чиқарган қарорига биноан; область (ўлка) ижроия комитетига бўйсунувчи ҳамда бўйсунишига кўра бирон бир министрлик (идора)га боғлиқ бўлмаган корхоналар ва ташкилотларнинг ходимлари область (ўлка) ижроия комитети билан касаба союзлари область, ўлка советининг биргаликда чиқарган қарорига биноан мукофотланадилар. Мукофотлаш тўғрисида корхона, ташкилот, муассаса, совхоз, колхоз маъмурияти, касаба союзи комитети ва комсомол комитети тавсия қиладилар. Рўйхатлар тегишли министрликлар (идоралар), область (ўлка) ижроия комитетларига юборилади.

«Социалистик мусобақа ғолиби» нишони белгиланган нусҳада тайёрланган гувоҳнома билан бирга меҳнаткашларнинг йиғилишларида танганали вазиятда топширилади.

О. ИСМАТОВ: Айтингчи, олий ёки ўрта махсус ўқув юртларини тугаллаган ёш мутахассисларга қанча муддатга отпуска берилиши керак?

Жавоб: Олий ёки ўрта махсус ўқув юртини тугаллаб, йўлланма бўйича ишга борган ёш мутахассисларга улар иш бошлагунларига қадар бир календарь ойи миқдорида отпуска берилади. Агар ёш мутахассислар битирув курсида стипендия олган бўлсалар, ўқув муассасаси уларга бир ойлик стипендияси ҳажмида нафақа тўлайди. Уларга тўланадиган бу нафақа тақсимотга мувофиқ улар ишга йўлланма олган корхоналар ҳисобидан берилади.

Георгий Димитров туғилган кунининг 100 йиллигига

«БИЗ, КОММУНИСТЛАР УЧУН БЕБАҲО ХАЗИНА»



Бизлар учун ва биздан кейин яшайдиганлар учун Георгий Димитров атоқли тарихий шахс бўлиб қолади. Революционер-ленинчи ва сифатида у Болгария Коммунистик партияси сафларида ўсди, унинг кўп сонли ишларида ва Болқон ҳамда Европа миқёсидаги революцион касаба союзларининг ҳаракатида актив қатнашди. 1909 ва 1915 йилларда Белградда ва Бухарестда бўлиб ўтган I ва II Болқон конференцияларида Болқон Федерациясини тузиш ғоясини эҳтирос билан ташвиқ қилди ва империалистик урушга қарши чиқди. Барча жипслашган социалистлар партияси сингари у Россияда Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалабасини зўр қувонч ва умид билан кутиб олди.

20-йиллар бошларида Г. Димитров халқаро ишчилар ва Коммунистик ҳаракат проблемалари билан янада қизғин шуғулланди. 1921 йил февраль ойида Москвада бўлиб ўтган Коммунистик Интернационалнинг III Конгрессида ва Профинтернинг таъсис конгрессида қатнашди.

Бу ерда Димитров В. И. Ленин билан учрашди ва суҳбатлашди. Бу воқеа унинг ҳаёти ва революцион фаолиятида чуқур, ўчмас из қолдирди. Унинг революцион пролетариатнинг халқаро анжуманларида сўзлаган нутқи шундан гувоҳлик беради, у Болқон ва Европадаги Коммунистик ва касаба союз ҳаракатини яхши билган, мустаҳкам синфий-революцион позицияда турган ва Коминтернинг снёсий йўлини оғишмай амалга оширган.

1923 йилда Болгарияда Сентябрь қўзғолони — дунёда биринчи антифашист қўзғолон тор-мор қилинганидан сўнг Димитров дастлаб Югославияга, кейинчалик эса Австрияга, Германияга кетишга мажбур бўлади. Коминтернинг Ғарбий Европа бюроси раҳбари сифатида у Европа Коммунистик партияларини тарбиялаш ва мустаҳкамлаш бўйича актив иш олиб боради. Унинг иштирокида Европа Компартияларининг оммавий ишларини активлаштиришга ва айниқса, деҳқонлар, ишсизлар, миллий зулм жабрини тортаётган халқлар ўртасидаги ишларини активлаштиришга қаратилган бир қатор масалалар ишлаб чиқилди.

Г. Димитров Европа Коммунистик партияларининг Э. Тельман, В. Пик, М. Торез, Ж. Дюкло, Кл. Готвальд, П. Копленинг сингари кўпгина арбоблари билан шахсан таниш эди ва уларнинг кундалик ишларида ёрдам берган. Улар билан мунозараларда ҳамиша шундай йўл тутганки, унинг маслаҳатларини содиқ ўртоқ ва дўстнинг ёрдами ва кўллаб-қувватлаши сифатида қабул қилишган.

Тарихий Лейпциг процесси вақтида Г. Димитров ўз жасорати ва қўрқув нималигини билмаслиги туфайли жаҳонга танилади. Европадаги Коммунистик ва касаба союз ҳаракатини яхши билган, мустаҳкам синфий-революцион позицияда турган ва Коминтернинг снёсий йўлини оғишмай амалга оширган.

1923 йилда Болгарияда Сентябрь қўзғолони — дунёда биринчи антифашист қўзғолон тор-мор қилинганидан сўнг Димитров дастлаб Югославияга, кейинчалик эса Австрияга, Германияга кетишга мажбур бўлади. 1921 йил февраль ойида Москвада бўлиб ўтган Коммунистик Интернационалнинг III Конгрессида ва Профинтернинг таъсис конгрессида қатнашди.

Бу ерда Димитров В. И. Ленин билан учрашди ва суҳбатлашди. Бу воқеа унинг ҳаёти ва революцион фаолиятида чуқур, ўчмас из қолдирди. Унинг революцион пролетариатнинг халқаро анжуманларида сўзлаган нутқи шундан гувоҳлик беради, у Болқон ва Европадаги Коммунистик ва касаба союз ҳаракатини яхши билган, мустаҳкам синфий-революцион позицияда турган ва Коминтернинг снёсий йўлини оғишмай амалга оширган.

1923 йилда Болгарияда Сентябрь қўзғолони — дунёда биринчи антифашист қўзғолон тор-мор қилинганидан сўнг Димитров дастлаб Югославияга, кейинчалик эса Австрияга, Германияга кетишга мажбур бўлади. Коминтернинг Ғарбий Европа бюроси раҳбари сифатида у Европа Коммунистик партияларини тарбиялаш ва мустаҳкамлаш бўйича актив иш олиб боради. Унинг иштирокида Европа Компартияларининг оммавий ишларини активлаштиришга ва айниқса, деҳқонлар, ишсизлар, миллий зулм жабрини тортаётган халқлар ўртасидаги ишларини активлаштиришга қаратилган бир қатор масалалар ишлаб чиқилди.

Г. Димитров Европа Коммунистик партияларининг Э. Тельман, В. Пик, М. Торез, Ж. Дюкло, Кл. Готвальд, П. Копленинг сингари кўпгина арбоблари билан шахсан таниш эди ва уларнинг кундалик ишларида ёрдам берган. Улар билан мунозараларда ҳамиша шундай йўл тутганки, унинг маслаҳатларини содиқ ўртоқ ва дўстнинг ёрдами ва кўллаб-қувватлаши сифатида қабул қилишган.

Тарихий Лейпциг процесси вақтида Г. Димитров ўз жасорати ва қўрқув нималигини билмаслиги туфайли жаҳонга танилади.

КИНО

18 ИЮНДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«КАРНАВАЛ» — **Чайка** (18, 21.00, телефон 77-06-20), **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (18, 21.00, телефон 78-47-25), **Қозоғистон** (17, 18, 20.00, телефон 35-24-92), **Дружба** (17, 20.00, телефон 66-15-75), **Хива** ёзги бинода (22.00 телефон 32-78-02), **Ҳамза номли** (16, 18.30, 21.00, телефон номли (жуфт ва тоқ соатларда, 91-10-51).

«ГОБИ ВА ХИНГАН ОША» — **Қозоғистон** (21.00), **ВЛКСМнинг 30 йиллиги номли** (17, 20.00, телефон 33-44-52).

«ЭСЛАШ ЕКИ УНУТИШ» — **Дружба** (19, 21.00, телефон 66-15-75).

«ТОМЧИ» — **Узбекистон ССР нинг 25 йиллиги номли** (тоқ соатларда, телефон 53-65-87), **Лисунов номли** (тоқ соатларда, телефон 96-34-02).

«МАНА ШУНДАЙ МУЗИКА» — **Тинчлик** (жуфт соатларда, телефон 53-86-07).

«ИЛОН ЙИЛИ» — **К. Ерматов номли** (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 24-22-66).

19 ИЮНДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«КАРНАВАЛ» — **Чайка** (12, 15, 18, 21.00, телефон 77-06-20), **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (12, 15, 18, 21.00, телефон 78-47-25), **Қозоғистон** (11, 14, 15, 17, 18, 20.00, телефон 35-24-92), **Дружба** (13, 14, 16, 17, 20.00, телефон 66-15-75), **Узбекистон ССРнинг 25 йиллиги номли** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00, телефон 53-65-87).

«ГОБИ ВА ҲИНГАН ОША» — **Қозоғистон** (12, 21.00).

«ЭСЛАШ ЕКИ УНУТИШ» — **Дружба** (11, 12, 19, 21.00), **ВЛКСМнинг 30 йиллиги номли** (жуфт соатларда).

«ТОМЧИ» — **Кўнча** (тоқ соатлара, телефон 46-23-16), **Мир** (тоқ соатларда, телефон 91-08-30).

«КЕНЖА АЛЕКСАНДР» — **Лисунов номли** (тоқ соатларда, телефон 96-34-02), **Искра** (16, 18, 20.00 телефон 39-11-76).

«МАНА ШУНДАЙ МУЗИКА» — **Тинчлик** (жуфт соатларда, телефон 53-86-07).

«ИЛОН ЙИЛИ» — **К. Ерматов номли** (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 24-22-66).

РЕСПУБЛИКА ОТЧОПАРИДА

ҲАР ЯКШАНБА КУНИ СОАТ 11.00 да

ОТЛАР ПОЙГАСИ



ПРОГРАММАДА: анъанавий ютуқлар ва номли мукофотлар ўйини.

Отчопарда ҳар хил ўйин аттракционлари ишлайди.

От пойгасида Узбекистон ССР ва Қозоғистон ССРнинг колхоз, совхоз ва от заводларидаги энг яхши отлар қатнашади.

От-спорт лотереяси (тотализатор) ишлайди.

Отчопарда совуқ ичимликлар билан савдо қиладиган буфетлар Сизнинг хизматингизда.

Сиз бутун йил давомида ишлайдиган прокатдан (душанба кунидан ташқари) фойдаланишингиз мумкин. Отда ва тройкада сайр қилиш мумкин.

Отчопар корхона ва муассасаларнинг раҳбарлари билан отни миниб юришга прокатга бериш учун шартномалар тузади.

Аҳолидан тўй гантиналарида сайр қилиш учун рус тройкаларига заявкалар қабул қилинмоқда.

Отчопар адреси: Тошкент шаҳри. Халклар дўстлиги проспекти (метронинг «Собир Раҳимов станцияси»). Телефонлар: 76-82-18, 76-82-19, 76-29-34.

139-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Қабул қилинганлар қуйидаги ихтисосликларга ургатилади:

заргарлик. Ўқиш муддати — 1.5 — 3 йил: **чинни буюмларга гул солувчи, чинни буюмларга шакл берувчи, чинни буюмларни сараловчи, саноат ускуналарини ремонт қилувчи слесарь, электромонтёр.** Ўқиш муддати 1—3 йил.

Билим юртига ёши 15 га тўлган ва ундан катта ёшдаги йигит-қизлар қабул қилинади.

8-синф ҳажмида маълумоти бўлганлар учун ўқиш муддати — 3 йил. Ўқишга қабул қилинганлар 3 маҳал иссиқ овқат, кундалик кийим-кечак ва иш кийими билан таъминланадилар: 10-синф ҳажмида маълумоти бўлганлар учун ўқиш муддати — 1 ва 1.5 йил. 30 сўм миқдорида стипендия берилади.

Барча қабул қилинганларга ишлаб чиқариш практикаси вақтида иш ҳақининг 50 проценти тўланади.

Билим юртини битирганларга мутахассисликлари бўйича диплом, ўрта маълумот тўғрисида аттестат берилади.

Билим юртини аъло баҳолар билан битирганлар имтиёзли ра[illegible]да техникум ва олий ўқув юртларига қабул қилинадилар.

[illegible]им юртида ўқиш даври меҳнат стажига қўшилади.

[illegible] юртига имтихонларсиз қабул қилинади.

[illegible]збек ва рус тилларида олиб борилади.

[illegible]тлар 1 сентябрдан бошланади.

[illegible] Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов райони, Сағбон [illegible]пик, 4-уй (38, 59, 76, 116-автобусларнинг «Қўш[illegible]. Телефон 44-30-07.

[illegible]кр техника таълими Давлат комитетининг

[illegible]ТРОПОЛИТЕНИ БАЗАСИДАГИ

[illegible]ХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

[illegible]мутахассисликлар бўйича

[illegible]ЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

[illegible]ИТЕН УЧУН: электр поездларининг электр [illegible]арини ремонт қилувчи электр слесарь, подстан[illegible]аси, экскаватор машинисти, кучланиш подстан[illegible] электр монтёри, харакатланувчи состав ремонти [illegible]есарь, слесарь-сантехник, автоматика, телемеханика [illegible]СЦБ) электр монтёри.

[illegible] ЙЎЛ УЧУН: тепловоз машинисти (10-синфни би[illegible] Совет Армияси сафларидан қайтган йигитлар қабул [illegible]и) тепловоз машинистининг ердамчиси, харакатланув[illegible]ав ремонти бўйича слесарь, товар-билет ва юк кассир[illegible]агаж ва юк қабул этиб топширувчилар, электр-газ [illegible]дчилар, лифтлар ремонти бўйича механиклар.

[illegible]лим юртига 8 — 10 синф ҳажмида маълумотли йигит ва [illegible]лар қабул қилинадилар.

Ўқиш муддати — 1 —3 йил.

8-синф ҳажмида маълумотли ўқувчилар билим юртини тамомлаш билан ўрта ҳунар-техника маълумоти ҳақидаги диплом оладилар ва давлат таъминотида бўладилар, уларга кийим-бош берилади. 3 маҳал овқатланилади. 10-синф ҳажмида маълумотлиларга ойига 30 сўм ҳажмида стипендия берилади, тепловоз машинистлари группалари учун 72 сўм стипендия берилади.

Ишлаб чиқариш практикасини ўтиш даврида ҳамма ўқувчиларга меҳнат ҳақи ҳисобига 50 процент ҳажмида пул мукофотлари берилади.

Билим юртини битиргач ҳамма ўқувчилар иш билан таъминланадилар.

Билим юртини аъло баҳолар билан битирганларга олий ўқув юртларига кириш учун йўлланмалар берилади.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар талаб қилинади: ариза, маълумоти ҳақидаги ҳужжат, турар жойидан ва медицина справкалари, 6 та (3х4 см ҳажмида) фотосурат, туғилганлик ҳақида гувоҳнома ёки паспорт.

Ҳужжатлар ҳар куни соат 9 дан 17.00гача қабул қилинади.

Адрес: Тошкент шаҳар, 2-Охунбобоев кўчаси, 68-уй, (4, 9, 11, 14, 23, 28-трамвайлар; 18 54-автобуслар; 13, 16-троллейбусларнинг «Киров номли маданият ва истироҳат боғи» бекати). Телефон 53 43-52.

СОТИБ ОЛАСИЗМИ ЙЎҚМИ— ЎЗИНГИЗГА ҲАВОЛА...

Қандай уй бекаси намунали ҳисобланади?

Ошхонаси чиннидек ярқираб турган уй бекасигина намунали бўла олади.

Ана шундай ошхонада ҳамма нарса ўз жойида, қўл остида бўлади. Қўл остида бўлиши лозим бўлган хўжалик буюмларининг эса саноғи йўқ. Қозонлар ва патнислар, сифонлар ва уларнинг баллончалари, сутнинг тошиб кетишига йўл қўйилмайдиган мослама, ҳавонча, човли, хамир учун формалар, идишлар учун жавон, сихлар, қатиқ учун қопқоқ ва қошиқлар, чой шамаси учун элакча, самоварлар, иссиқ овқатлар учун тагликлар ва бошқа кўп нарсалар шулар жумласидандир.

Уларни санаб адо қилиб бўлмайди. Намунали уй бекаси бўлиш осон эмас. Аммо бунда сизга рўзғор буюмлари ёрдам бериши мумкин. Уларни харид қилиш учун сизни «Чилонзор» савдо марказига таклиф қиламиз.

Бу ердан юқорида биз санаб ўтган буюмлардан ташқари ваннахона учун кўзгу ва кийим илгичлар, эшикка материал қоплаш учун зарур михлар, кир ва парда осиладиган қисқичлар, вешалкалар, швабралар сотиб олиш мумкин.

Уларнинг ҳаммаси сизга керак бўлади.

«Чилонзор» савдо маркази соат 9 дан 21.00гача ишлайди.

Дам олиш куни — якшанба.



«ЧИЛОНЗОР» САВДО МАРКАЗИ.

«МАЛИКА»НИНГ ЯНГИ МАҲСУЛОТЛАРИ



Тошкентдаги «Малика» ишлаб чиқариш бирлашмасининг маҳсулотларига азалдан эҳтиёж катта. Бирлашманинг пишиқ ва қулай кўйлаклари, сарочкалари, костюм, блузка, сарафанлари ҳаммага яхши ярашади. Биз уларда байрам кунлари ҳам, оддий иш кунлари ҳам башанг кўринамиз.

«Малика»нинг рассом-диссинаторлари мода йўналишларига мос янги моделларни ишлаб чиқдилар. Уларда пахта билан лавсан, вискоза, капрон аралашмасидан яратилган янги енгил матолардан фойдаланилган. Натижада буюмлар ҳам енгил, пишиқ, ғижимланмайдиган бўлган.

Тошкентдаги «Малика» ишлаб чиқариш бирлашмасининг хотин-қизлар учун мўлжалланган икки хил янги моделдаги костюми билан танишинг.

Енгил матодан тикилган хотин-қизлар костюми блузка ва юбкадан иборат. Блузканинг олди какеткали, бўйин атрофи за енг учлари майда попуклар билан безатилган. Енгининг юқори қисми бир оз бурмаланган. Костюм резинали эластик тасма билан безатилган. Юбкасининг этаги кенг, қуйи қисмига закрутка билан ишлов берилган.

Хотин-қизларга мўлжалланган комплект сарафан ва блузондан иборат. Сарафан тўкис бичилган, йиғилиб турадиган бел қисмига резинали эластик тасма билан тикилган. Блузон диагонал чизиқлар бўйлаб бичилган, орқа томонидан бурмаланган кемтиги бор, бел қисмида камари бор.

Ип билан лавсан, капрон ва вискозали газламадан фойдаланиш буюмнинг чиройли тикилишига ёрдам беради.

Тошкентдаги «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси.

«Союзторгреклама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон агентлиги.

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига

слесарлар, токарлар, фрезерчилар, клепальшчиклар, қуювчилар, темирчилар, қолипловчилар, қурувчилар, шофёрлар, тракторчилар.

1-Тошкент пойафзал фабрикасига

контролёрлар, тайёрловчилар, сотувчилар, боғич боғловчилар, артиб-тозаловчилар, комплектловчилар, пойафзални қолипдан тушурувчилар, тозаловчилар.

Ленин район енгил саноат корхоналарига

тикувчилар, тикувчи-мотористкалар, слесарь-ремонтчилар, электр монтёрлар, уйга иш олиб ишловчи тикувчи-мотористкалар.

Тошкент агрегат заводига

токарлар, фрезерчилар, фармаловчилар, силлиқловчилар, штамповкачилар, контролёрлар, кранчилар, слесарь-йиғувчилар, ремонтчилар, электромонтёрлар, станокда ишловчи шогирдлар.

Ёлғизлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Фрунзе районн қурилиш ташкилотларига

изоляцияловчилар, футлерловчилар, тунукасозлар., ғишт терувчилар, сувоқчилар, ёлланма ишчилар, инженерлар, экономистлар, катта инженерлар, катта экономистлар.

СПРАВКА ВА ЙЎЛЛАНМАЛАР ОЛИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ АДРЕСЛАРГА МУРОЖААТ ҚИЛИНСИН:

Марказий пункт — Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона.

Ленин район пункти — Т. Шевченко кўчаси, 64-уй.

Октябрь район пункти — У. Юсупов кўчаси, 3-уй.

Чилонзор район пункти — 2-квартал, 3-уй.

Фрунзе район пункти — Ш. Руставели кўчаси, 62-уй.

Ҳамза район пункти — М. Ҳасанова кўчаси, 3-уй.

Куйбишев район пункти — К. Маркс кўчаси, 59-уй.

Киров район пункти — Энгельс кўчаси, 48-уй.

С. Раҳимов район пункти — Қорасарой кўчаси, 270-уй.

А. Икромов район пункти — 22-квартал, 13-уй.

Сергели район пункти — Спутник массиви, 2-квартал, 69-уй.

ЁЗ УЧУН ПОЙАФЗАЛЛАР

Бу йилги мавсум пойафзалларга сезиларли ўзгартиш киритгани йўқ. Юпқа пошнали туфли ва босоножкалар, шунингдек ёз учун энг қулай пойафзал — саболар (пошна томони очиқ туфли) ҳамон модада бўлади.

ХУРМАТЛИ ХОТИН-КИЗЛАР,

биз сизларни замонавий модадаги ва фасондаги енгил ва қулай пойафзалларни харид қилиш учун

«ТАШОБУВЬТОРГ» МАГАЗИНЛАРИГА ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ!

Бу магазинлардан сиз Тошкентдаги 2-пойафзал фабрикасида ишлаб чиқарилган модали пойафзалларни сотиб олишингиз мумкин. Ушбу модалар ўзининг соддалиги ва бежиримлиги билан пошнаси баланд бўлмаган пойафзалларни маъқул кўрувчи ўрта ва катта ёшдаги аёлларга ёқади. Жумладан:

турли рангдаги хромдан тикилган, чарм тагли, ўртача пошнали туфлилар;

усти очиқ, ёрқин буёқли хромдан тикилган туфлилар, таглиги чармга ўхшаш материалдан.



Ёшларга биз енгил, чиройли безатилган, бежирим саболарни таклиф қиламиз. Улар оқ ва бошқа ёрқин рангдаги хромдан тайёрланади, таглиги — чармга ўхшаш материал, полиуретан ва рангли резинадан.

Пойафзални харид қилаётганда ҳар икки туфлини оёққа кийиб кўриш керак. Кийиб албатта тик туриш лозим.

Ушбу моделларнинг баҳоси — 20 сўмдан 32 сўмгача.

Пойафзални харид қилаётганда ҳар икки туфлини оёққа кийиб кўриш керак. Кийиб албатта тик туриш лозим.

Агарда сиз пойафзал харид қилган бўлсангизу, улар оёғингизни сиқса, ҳеч ташвишланманг: чармини ич томонидан одеколон билан намлаб, туфлида бир оз юрсангиз, оёғингизга мос бўлиб қолади.

ТОШКЕНТДАГИ 2-ПОЙАФЗАЛ ФАБРИКАСИ

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН АГЕНТЛИГИ.

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА

18 ИЮНЬ — ЖУМА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

18.15 А. Минкуснинг «Баядерка» балетидан классик дуэт. 18.30 «Футбол бўйича жаҳон чемпионати Югославия —Шимолий Ирландия терма командалари, Испаниядан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида (19.15) — «Дунё воқеалари». 20.20 «Сандон ёки болга». Бадиий фильм. 2-серия. 21.30 «Время». 22.05 «Юз ёш қарилик эмас». Телевизион ҳужжатли фильм. 22.15 Футбол бўйича жаҳон чемпионати. Италия — Перу терма командалари. Испаниядан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида (23.00) — «Дунё воқеалари».

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

18.30 Янгиликлар. 18.50 «Киносаёҳатчилар клуби». 20.05 Н. Бауман номли Москва олий техника билим юрти Маданият саройининг академик хори ижро этади. 20.30 «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.50 «Рута-мята гуллайди». Фильм-концерт. 21.30 «Время». 22.05 «Хонадонингизга осойишталик». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 3-серия.

Узбекистон телевидениесининг программаси

I

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Буратино қандай қилиб бурнини йўқотиб қўйди». Мультфильм. 18.15 «Қувноқ пионер ёзи». 18.45 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «80-йиллар комсомоллари». 19.30 «Ахборот (рус). 19.45 «Озиқ-овқат программаси — халқ фаровонлигининг асоси». Телетомошабинларнинг саволларига «Узколхозстрой» бирлашмасининг раиси Э. Ашуров жавоб беради. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Севмоқ севилмоқ». Т. Хренников балетининг премьераси А. Навоий номли Давлат академик Катта театрининг спектакли. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Дунё воқеалари». 22.35 «Кечмишларнинг ҳикояси бу». Бадиий фильм. 00.10 Янгиликлар.

II

18.10 Кўрсатувлар программаси. 18.15 Абитуриентлар учун. Она тили. 18.45 Абитуриентлар учун. Физика. 19.45 Реклама. 20.00 Янгиликлар. 20.20 «Автомобиль: муаммолар, изланишлар ва ечимлар» (рус). 20.50 «Учрашув» телевизион ҳужжатли фильм. 21.30 МТ II.

19 — ИЮНЬ ШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 Спорт программаси. Футбол бўйича жаҳон чемпионати. Италия — Перу терма командалари. 2-тайм. 10.30 Бразилия — Шотландия терма командалари. Испаниядан олиб кўрсатилади. 12.05 «Ота-оналар, Сизлар учун». 12.35 «Спортлото»нинг 25-тиражи. 12.45 «Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик». 13.15 Футбол бўйича жаҳон чемпионати. Аргентина —Венгрия терма командалари. Испаниядан олиб кўрсатилади. 14.50 «Дунё воқеалари». 15.05 «Мўъжизасиз-мўъжизалар». «Ер планетасининг сири». Телевизион илмий-оммабоп фильм премьераси. 16.05 П. И. Чайковский номли VII халқаро конкурси кундалиги. 16.50 Сиёсий шарҳловчи Ю. А. Летунов суҳбати. 17.20 Союзлар уйининг Колонна залида Р. Рождественский поэзияси кечаси. 18.45 Совет тинчликни сақлаш комитетининг раиси Ю. А. Жуков суҳбати. 19.30 «Чин қалбдан». Амурдаги Комсомольск шаҳрига асос солинганлигининг 50 йиллигига. 21.30 «Время». 22.05 «Аквариум». Илмий-оммабоп фильм. 22.15 Футбол бўйича жаҳон чемпионати. Польша — Камерун терма командалари. Испаниядан олиб кўрсатилади. 23.50 Янгиликлар.

Узбекистон телевидениесининг программаси

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар 10.10 Кичик ёшдаги мактаб ўқувчилари учун. «Сўз кетидан сўз келар». 10.30 «Кино оламида». 11.30 Шаҳмат мактаби. 12.00 Узбекистон телевидениеси ва радиоси халқ чолғулари ансамблининг концерти. 12.40 Ижодкор ёшларнинг «Илҳом» республика клуби Москвада. 13.30 «Буни ҳамма билиши ва уддалаши керак». 14.00 Телевизион театр. М. Толибов. «Адолат».

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 Болалар учун фильмлар. «Қуенча, Петя қандай қилиб балиқ тутди». «Сеҳрли қушча». 18.30 «Езувчилар — болаларга». Латиф Маҳмудов 19.00 «Ташаббускорлар ўз сўзларининг устидан чиқмоқдалар». Қишлоқ қурувчиларининг ишлари ҳақида ҳикоялар. 19.30 «Ахборот (рус). 19.45 М. Тургунбоева номидаги Давлат ҳизмат кўрсатган «Баҳор» халқ рақс ансамблининг концерти. 20.30 «Ахборот» 20.50 М. Тургунбоева номидаги Давлат ҳизмат кўрсатган «Баҳор» халқ рақс ансамблининг концерти (давоми). 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Озуқа ишлаб чиқариш резервлари». 22.20 М. Ашрафий туғилган куннинг 70 йиллигига бағишланган юбилей кечаси. А. Навоий номли Давлат академик Катта театридан трансляция пайтида ёзиб олинган.

4 ТОШКЕНТ бет ОКШОМИ

«ТОШКЕНТ ОКШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент — ГСП, Ленин кўчаси, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат: — 33-57-02 бўлимлар; партия турмуши — 32-63-66; саноат 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ — 33-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-55-32; хатлар — 33-79-70; эълонлар бўлими — 33-81-42; нашриёт диспетчери 32-78-94, нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

18 ИЮНЬ, 1982 й. Р—07290. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси Тошкент шаҳри. Б-2524. Индекс 64691.